2010 йил 4 март, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 43 (11.604)

Баҳоси эркин нархда

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбек Миллий академик драма театрида «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танлови ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган ушбу танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари иштирок этди.

• Нукусда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида «Камолот» ЁИҲ Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ва ЎзФАнинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими ташаббуси билан ёш олимлар Кенгаши тузилди. Ушбу ташкилот турли соҳаларда тадқиқотлар олиб бораётган ёш олимларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайди, уларнинг илмий изланишларини юзага чиқариш учун шарт-шароитлар яратади.

• Сирдарё вилоятида «Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» лойиҳасига мувофиқ 11 та туғруқ мажмуалари ва бўлимлари замонавий тиббиёт анжомлари билан жиҳозланган. Кейинги уч йил ичида ушбу мажмуа ва бўлимларга мингга яқин турдаги замонавий ускуналар ўрнатилди.

• Булоқбоши туманида мебель ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Баракот саноат ҳамкор» хусусий корхонаси иш бошлади. Олти киши ишга жалб қилинган ушбу корхонада ҳозирга қадар 15 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказиб берилди.

• Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маънавият тарғибот маркази ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳамкорлигида «Ёшларни баркамол авлод этиб тарбиялашда тиббий маданиятнинг назарий ва амалий асослари» мавзуида илмий-амалий конференция ташкил этилди.

• «Камолот» маликаси» мусобақасининг Жиззах вилояти босқичида 78 нафар мактаб ва коллежларнинг ўқувчи қизлари ўзаро беллашдилар.

• Охунбобоев тумани прокуратураси хайрли ишга қўл урди. Қонун ҳимоячилари кўмаги билан транспорт ва йўл қурилиш коллежига қарашли фойдаланилмаётган бино қайта таъмирланиб, ёшлар ижод марказига айлантирилди. Ҳомий ташкилотлар мажмуани зарур жиҳозлар билан таъминлади. Ҳозир бу ерда ташкил этилган 10 дан ортиқ фан тўгаракларида 500 дан ортиқ ёшлар шуғулланмоқдалар.

### ЖАҲОНДА

• Венесуэла Президенти Уго Чавес Испанияни ушбу мамлакат билан дипломатик алоқаларни тўхтатиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирди.

• Хорватия Россия билан «Жанубий оқим» газ ўтказгичи лойиҳасига қўшилиши тўғрисида ҳукуматлараро битим имзолади. Илгари Болгария, Сербия, Венгрия, Греция ва Словения билан ҳам шундай битимлар тузилган эди. «Газпром» шунингдек, Австрия билан ҳам ҳамкорлик юзасидан битим имзолашни режалаштирмоқда.

• Финляндия пойтахти Хельсинкида НАТОнинг стратегик концепциясини янгилаш режалари муҳокама қилинади.

• Европанинг Инсон ҳуқуқлари бўйича суди ЮКОС компаниясининг Россияга нисбатан даъвосини кўриб чиқади.

• Ливия Швейцарияга нисбатан тўла иқтисодий эмбаргони жорий этди.

• Грецияда 30 минг нафар такси ҳайдовчиси икки кунлик иш ташлаш эълон қилди. Таксичилар миллий федерацияси раҳбари Эфтимиос Либиропулоснинг айтишича, ушбу норозилик намойишида ҳайдовчиларнинг деярли барчаси иштирок этмоқда. Улар мамлакат маъмуриятининг инқироздан чиқиш учун қўллаётган молиявий чораларига қарши норозилик билдирмоқдалар.

• Германиянинг «Empers» кўчмас мулк ташкилоти жаҳоннинг 2009 йилдаги энг яхши осмонўпар биноларини номини эълон қилди. Ўтган йилнинг «Энг яхши осмонўпар биноси» деб Чикагодаги 81 қаватли «Aqua» мажмуаси топилди. Рейтингда иккинчи ўрин Бирлашган Араб Амирликларидаги 23 қаватли «О-14», учинчи ўрин эса Таиланддаги 69 қаватдан иборат «The Med» мажмуасига насиб этди. Таъкидлаш жоизки, ушбу танлов 2000 йилдан буён ўтказиб келинади.

---

**«Ўзэкспомарказ»да уч кун давом этган III Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида умумий қиймати 3,2 миллиард сўмдан ортиқ қариб 130 шартнома имзоланди.**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



## ИННОВАЦИЯЛАР ЯРМАРКАСИ: САМАРА ВА ИСТИҚБОЛ

Ярмарка Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқаришни жадал модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича белгиланган устувор вазифаларни бажариш мақсадида ташкил этилди. Унда вазирликлар, идоралар, уюшмалар, банклар, иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги давлат ва хусусий корхоналар, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги илмий муассасалар, олий ўқув юртлари, илмий-технологик марказлар, тажриба-конструкторлик ташкилотлари, шунингдек, ихтирочилар иштирок этди.

Мамлакатимизда учинчи маротаба ўтказилган инновациялар ярмаркаси илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, олимлар томонидан яратилаётган янгиликларни ўзлаштириш ҳисобидан миллий иқтисодиёт салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади. Илмий ва инновацион фаолият натижаларини жорий этишнинг бундай механизми юқори самарага эга. Ярмаркада саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, ахборот-коммуникация технологиялари, илм-фан ва таълим соҳалари учун 600 дан ортиқ истиқболли инновация лойиҳалари, ишланмалар, юқори технологик ускуналар намуналари намойиш этилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистон илм-фанини ривожлантиришга доимий эътибор қаратилаётгани самарасида унинг имкониятлари тобора кенгайиб бормоқда. Бу ушбу соҳага иқтидорли ёшларнинг фаол жалб қилинаётгани, ёшларнинг профессионал ўсиши, билим олиши, қобилиятини рўёбга чиқариши учун барча зарур шарт-шароитнинг яратилаётгани натижасидир. Мамлакатимизда Баркамол авлод йили, деб эълон қилинган 2010 йилда бундай самарали ишлар янада фаоллашди. Ярмаркада тақдим этилган ишларнинг аксариятини яратишда ёш олимлар, олий ўқув юртлари талабаларининг иштирок этгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг 2009 йил декабрда ташкил этилган Ёш олимлар кенгаши томонидан ташкил қилинган бўлим ярмарка иштирокчилари билан айниқса гавжум бўлди. Мутахассисларнинг фикрича, академик институтларнинг ёш ходимлари ишлаб чиққан янгиликларни жорий этиш катта иқтисодий самара бериш билан бир қаторда, ишлаб чиқаришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш имконини беради.

Масалан, Умумий ва ноорганик кимё институтининг ёш олимлари нефть ва газ конденсатини қайта ишлашга тайёрлаш учун уларни сув ҳамда туздан тозалашда ёрдам берадиган деэмульгаторни олишнинг ноёб технологиясини яратди. Технология «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонасида синовдан муваффақиятли ўтди ва уни жорий этиш бўйича шартнома тузилди.

(Давоми 2-бетда).

---

**Мустақил юртимизнинг илк ордени — «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилганига 17 йил тўлди.**



## БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ УЧУН

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ юртимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом авлодни вояга етказишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётир. Ватанимизнинг илк ордени "Соғлом авлод учун" деган ном билан аталишида ҳам чуқур рамзий маъно мужассам.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1993 йил 4 мартдаги фармонига мувофиқ таъсис этилган «Соғлом авлод учун» ордени мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш борасида амалга оширилаётган улкан ишларни шарафлаш, муносиб рағбатлантиришга хизмат қилмоқда. Бинобарин, бу йўналишдаги барча эзгу саъй-ҳаракатлар бугун ўзининг юксак самараларини бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ишлаб чиқилиб ҳаётга изчил татбиқ этилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларни касб-ҳунарга йўналтиришнинг яхлит механизми шаклланди. Юртимизнинг барча ҳудудларида қад ростлаган, замонавий ўқув ускуналари, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланган мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ёшларнинг билим олиши, соғлом ва баркамол бўлиб улғайиши учун барча шарт-шароит яратилган.

Соғлом авлодни тарбиялашда спортнинг ўрни беқиёс. Шу боис ҳам мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, ёшлар ўртасида спортнинг барча турларини оммалаштиришга катта эътибор қаратилаётир. Ёш авлоднинг жисмонан камол топишини таъминлаш мақсадида ўтказиб келинаётган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", Универсиада – уч босқичли спорт ўйинлари жаҳон чемпионатларида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган спортчилар етишиб чиқишига хизмат қилмоқда.

"Соғлом авлод учун" ордени билан мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлигини мустаҳкамлаш, уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишида алоҳида хизмат кўрсатган юртдошларимиз тақдирланадилар. "Соғлом она – соғлом бола" ҳаётий дастури асосида амалга оширилаётган бу ишлар тобора такомиллашиб бормоқда. Мамлакатимизда оналар ва болалар ўлими кўрсаткичи йилдан-йил камайиб бораётгани, халқимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 4-5 йилга узайгани, навқирон авлоднинг жисмоний ва интеллектуал салоҳияти ошгани бу эзгу ишларнинг самарасидир.

Бу орден билан, шунингдек, бошқа давлатлар фуқаролари ҳам мукофотланиши мумкин. Орден таъсис этилгандан бери соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш борасида фидойилик кўрсатган, жамият ҳаётининг турли жабҳаларида юксак натижаларга эришган кўплаб юртдошларимиз ушбу юксак мукофотга сазовор бўлдилар.

Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда 2010 йил Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши ҳар томонлама етук авлодни тарбиялаш ишларини янги, янада юксак босқичга олиб чиқади. Бугунги мураккаб глобаллашув шароитида миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишларга қарши туриш, ёш авлод ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, "оммавий маданият" каби таҳдид ва хатарлардан асраш долзарб аҳамиятга эга. Зотан, соғлом ва баркамол авлод нафақат жисмонан, айни пайтда маънан ва руҳан етук авлоддир.

"Соғлом авлод учун" ордени ана шу йўлда меҳнат қилаётган юртдошларимизни рағбатлантиришга, уларни янги марралар сари илҳомлантиришга хизмат қилмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, табиийки, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради.

**Ҳусниддин БЕРДИЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

---

**Чет эл матбуоти шарҳи**

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДАГИ ГИГАНТ ГЭСЛАР ЛОЙИҲАЛАРИ МИЛЛИОНЛАБ ОДАМЛАР ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИД СОЛАДИ

**Марказий Осиё мамлакатларида йирик гидроэнергетика иншоотларини қуриш лойиҳалари, уларнинг шошма-шошарлик билан амалга оширилиши келтириб чиқарадиган оқибатлар бу масалага холисона ёндашадиган барча соғлом фикрли кишиларни ҳақли равишда ташвишга солмоқда. Ўзбекистон бундай лойиҳаларнинг минтақадаги экология ва сув мувозанатига таъсири, шунингдек, техноген фалокатлар таҳдидларини келтириб чиқариши мумкинлигини ҳисобга олиб, уларни мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарурлиги хусусидаги принципиал масалани қатъий қўймоқда.**

Бугун ушбу фикрни дунёнинг турли мамлакатларидаги кўплаб мустақил экспертлар ҳам қўллаб-қувватламоқдалар. Масалан, МДҲ мамлакатлари институтининг Бишкек филиали директори, тарих фанлари доктори, профессор, Рус география жамиятининг ҳақиқий аъзоси Александр Князев қаламига мансуб, қатор Интернет-нашрларда эълон қилинган "Ҳақиқат эмас, афсона: Ўрта Осиёдаги мега-ГЭС тақдири номаълумлигича қолмоқда" сарлавҳали мақолада ушбу муаммо бу борадаги ишларнинг ҳақиқий аҳволи нуқтаи назаридан чуқур ҳамда батафсил таҳлил қилинган.

Шуни қайд этиш керакки, мақолада баён этилган фикрлар муаллифнинг тахминларга асосланган қараши эмас ва уни кимнингдир манфаатларини ҳимоя қилаётганликда айблаб бўлмайди.

Муаллиф ҳақли равишда Амударё ва Сирдарё Марказий Осиё давлатлари фаровонлигини ва уларни сув билан таъминлайдиган яхлит манба эканини таъкидлайди. Шу билан бирга, олим Ўзбекистоннинг трансчегаравий Сирдарё ва Амударё сувидан фойдаланиш соҳасидаги манфаатлари ушбу дарёларнинг юқори қисмида жойлашган мамлакатлар томонидан етарли даражада инобатга олинмаётганини қайд этган. "Тожикистон ва Қирғизистон Республикалари томонидан гидротехник иншоотлар қурилишининг амалга оширилиши биринчи навбатда, Ўзбекистон, шунингдек, Қозоғистон ва Туркманистон хавфсизлигига катта таҳдид солаётгани ҳақида гапиришга мажбур этмоқда", деб ёзади А.Князев.

Айни пайтда эксперт қуйидагиларга эътибор қаратади: "Бу каби объектларни қуришни тартибга соладиган қатъий халқаро нормалар мавжуд бўлса-да, улар ушбу дарёлар юқори қисмида жойлашган мамлакатлар томонидан инкор этилмоқда. Бироқ, Қирғизистон ҳам, Тожикистон ҳам ушбу соҳага оид бирон-бир халқаро конвенцияни имзоламаган. Бунда гап, масалан, Россия 1996 йилнинг октябридан буён бажариб келаётган Трансчегара сув оқимлари ва халқаро кўлларни ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги конвенция (Хельсинки, 1992 йил 17 март), Кема юрмайдиган халқаро сув оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги конвенция (Нью-Йорк, 1997 йил 21 май) ва бошқа кўплаб ҳужжатлар ҳақида бормоқда. Аммо, ўз миллий манфаатларини худбинларча ҳимоя қилишдан бошқа нарсани тушунишни истамаётган ва ўз иқтисодиётини қутқаришнинг бирдан бир чораси сифатида ГЭС лойиҳаларига ёпишиб олган мазкур икки республика бу лойиҳаларни кўпроқ қарз олиш ҳамда ташқи инвесторлар ёрдамига тинимсиз кўз тиккан ҳолда, ярим кўлбола усулда амалга оширишни ўжарлик билан талаб қилмоқда".

(Давоми 2-бетда).

---

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **«ЁШЛИК»** талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» марказида Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва партиянинг шаҳар Кенгаши ҳамкорликларида уюштирилган давра суҳбати «Халқаро муносабатларда Ўзбекистоннинг роли ва истиқболлари» деб номланди.

✓ **УЧТЕПА** туманидаги 251-мактабда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг шаҳар таянч маскани ташаббуси билан «Соғлом авлод — соғлом келажак» мавзуида саломатлик марафони ўтказилди.

✓ **ТОШКЕНТ** Фотосуратлар уйида ташкил этилган «Баҳор вернисажи» мавзуидаги мусаввир аёллар ижодидан сараланган асарлар кўргазмаси Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланди.

